

ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

SJIF 2021: 5.723

Cite Factor 2020-21: 0.89

2021/10

VOLUME 2

ISSUE 10

Research

*We increase scientific
potential together!*

ARES.UZ

Exact Sciences
Natural Sciences
Technical Sciences
Pedagogical Sciences
Medical Sciences
Social and Humanitarian Sciences



THE JOURNAL OF
ACADEMIC RESEARCH IN
EDUCATIONAL SCIENCES

ISSN 2181-1385

VOLUME 2, ISSUE 10

OCTOBER 2021



www.ares.uz

БАДИЙ МАТНГА ЛИНГВОПЕДАГОГИК КУЛЬТУРОЛОГИЯ АСОСИДА ЁНДАШУВ

Обидхон Мамутович Хусанхўжаев

Наманган давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бадий матнга лингвопедагогик, культурологик жиҳатдан ёндашувга алоҳида эътибор қаратилган. Бадий матнда миллий маънавият, маданият, таълим ва тарбия, миллий руҳнинг ифодаланиши персонажлар нутқини таҳлил қилиш орқали ёритилган. Бадий матнда ўзбек миллатининг лингвопедагогик ва психолингвистик қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: лингвопедагогика, лингвопедагогик культурология, лингвокультурологик педагогика, лингвокультурология, нутқ маданияти, тил маданияти, мулоқот маданияти.

КИРИШ

Ҳар қандай халқнинг луғат бойлиги таркибида турли касбга оид терминлар системаси мавжуд бўлиб, улар ўзига хос узок тарихий маъно тараққиётига эга бўлади. Ўзбек терминлогик системасида ҳам бир неча асрлардан буён тилимиз луғат бойлигида ўзига хос ўринга эга бўлган педагогик терминлар ҳозирга қадар ҳам тилшунослик, шунингдек, педагогика, психология фанлари доирасида ҳам ўрганилаётгани доимо масаланинг долзарб бўлган тадқиқотлар сирасига киришидан дололат беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек миллий педагогик терминологик системасининг юзага келиши ва амалий жиҳатдан қўлланилиб келиши ўтмишимизнинг узок асрларига бориб тақалади. Ўзбек миллий педагогик терминологияси ҳам туркий педагогик терминологик системанинг узвий қисми бўлиб, таълим ва тарбиядаги ўзаро муштараклиги билан изоҳланади. Бу ўринда тилшунослар Н.П. Кузькун ҳамда Г.О.Винокурнинг термин ҳақидаги қарашларига эътибор қаратиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар сўз ва термин ҳақида тўхталар экан шундай фикр билдирадилар: ”Термин билан сўз ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ, улар

“шаклан ҳам, мазмунан ҳам“ жиддий тафовутга эга эмас.¹ Термин ҳам моҳият эътибори билан сўздор, фақат сўзнинг алоҳида туридир.”²

Англашиладики, туркий тиллар учун умумий истеъмолда бўлган педагогик терминлар улуғ боболаларимизнинг асарларида, шунингдек, ислом дини ва тарихига бағишланган асарларда ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, араб ва форс тилларидан кириб келган илм ва маърифат, таълим ва тарбия, маънавиятга оид терминлар ҳам миллий педагогикамиз луғат бойлигидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Бундай сўз-терминларни пайдо бўлиши, бойиб бориши, муомалада бўлиши ҳамда маълум миқдорда ҳозирги кунгача етиб келишида қадимий ёзма манбаларнинг аҳамияти ғоят беқиёс. Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, А.Яссавийнинг “Девони ҳикмат”, Бобурнинг “Бобурнома”, Алишер Навоийнинг улкан мероси, хусусан, “Муҳокаматул луғатайн”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Хазойинул маоний”, “Хамса” асарлари, шарқ педагогикасининг комуси бўлмиш Кайковуснинг “Қобуснома” асари, Жололиддин Румийнинг қатор асарлари ана шундай нодир манбалардандир. Ўз навбатида айтиш мумкинки, ислом таълим ва тарбиясига оид тарихий ва бадиий панднома асарларидаги педагогик атамалар халқимиз шуурига сингиб, маънавий бойлигига айланган, луғат бойлигимизнинг ҳусни саналади. Айтиш мумкинки, ислом дини илм ва маърифатни, таълим ва тарбияни олий даражада қадрлаган. Бу ўринда заҳматкаш адабиётшунос олим ва педагог Субутой Долимовнинг Кайковуснинг “Қобуснома” асарига берган тавсифидан хулоса чиқариш мумкин. У шундай ёзади: “Қобуснома” асарининг фазилятлари чексиз: унда ҳам жисмоний, ҳам ақлий тарбиянинг ҳамма қирралари ўта зукколик билан таҳлил қилинади. Шарқ мутафаккирларининг педагогикага оид асарларини ўрганар эканмиз, уларда ҳар бир таълим-тарбиявий масала билан узвий равишда боғланган ҳикоятларга дуч келамиз. “Қобуснома” ҳам ўнлаб ҳикоятлар асарининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий юксаклигини таъминлаган.”³

Маълум бўладики, илм-маърифат, таълим ва тарбия, маънавиятнинг илдизлари шарқ халқлари, шунингдек, ўзбек халқида ҳам қадимийлиги ва бу

¹ Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ, № 20. Серия истории, языка и литературы, Вып.4.-Л.,1962. – С. 145.

² Винокур Г.О.О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии. // Труды МИФЛИ. Т. 5. Сборник статей по языковедению. – Москва, 1939. – С. 3.

³ Кайковус. “Қобуснома” асарига сўз боши. Долимов У. – Т., O‘qituvchi. НМИУ, 2006. 14-бет.

ҳозирда ҳам бадиий юксак асарлар яратиш учун улкан манба бўлиб хизмат қилади дейиш учун асос бўлади. Англашиладики, илм ва маърифат, таълим ва тарбия, маънавиятни ислом динисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад (солаллоҳу алайҳи васаллам) даги мулойимлик фазилатлари ва унинг чиройли оқибатларини инсонларга намуна қилиш мақсадида ояти карима туширган: **“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй Муҳаммад,) уларга (сахобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас уларни афв этинг, (гуноҳлари учун) кечирим сўранг ва улар билан кенгашиб иш қилинг! (Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг, зеро, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар”** (Оли Имрон, 159).

Демак, илмли, маърифатли, комил инсон тарбияси ислом дини ва улуғларимиз асрларининг беагаи бўлган. Кўринадики, шарқ халқлари, жумладан, ўзбек миллий педагогикасида ҳам ахлоқий тарбия, маънавият ва маданият, илм-маърифат масалаларига катта урғу берилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, таниқли туркийшунос олим К.Мусаев тил халқ тарихининг хазинаси сифатида таърифланганда, энг аввало, лексика назарда тутилишини (чунки халқ ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш айнан лексикада акс этади) қайд этар экан, “конкрет тил лексикаси тарихини тадқиқ этишнинг энг ишончли методи лексикани тематик (мавзуий) гуруҳлар бўйича ўрганиш” эканлигини таъкидлайди.⁴

Бу ўринда айтиш мумкинки, Маҳмуд Кошғарийнинг ”Девону луғатут турк“, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик”, Аҳмад Югнакийнинг ”Ҳибатул ҳақойиқ“, Саъдий Шерозийнинг ”Гулистон” ва “Бўстон”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ“, “Панднома“ асарлари ўзбек тилининг тарихий педагогик лексикасини ўрганишдаги муҳим манбалардан ҳисобланади.

Жаҳон таълим ва тарбия амалиётида лингводидактика қадимдан мавжуд. Бироқ педагогиканинг узвий қисми бўлган лингводидактикада ҳам ўзига хос муаммоларни ҳал этиш зарурати туғилди. Тил ва маданият, психология, мантик ва педагогиканинг ўзаро муштараклиги бу муаммоларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлган лингвопедагогик культурологиянинг асоси бўлди.

Таниқли тилшунос Н.Маҳмудов кузатишларига асосланиб шундай ёзади: ”Нутқ маданиятини педагогикадан ҳам айро тасвур этиб бўлмайди. Зотан, нутқ

⁴ Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. – М.: Наука, 1984. –С.12.

маданиятига соҳиблик малакалари таълим ва тарбия жараёнларида шакллантирилади. Дунё тилшунослигида тилдан тўғри ва маҳорат билан фойдаланиш қоидаларини ўрганиш, яъни маданий нутқ тузиш йўллари кўрсатиш билан шуғулланадиган соҳа тил дидактикаси ёки лингводидактика номи билан ҳам юритиладики, бунда нутқ маданияти ва педагогиканинг бир қисми бўлган дидактика ўртасидаги зич алоқа намоён бўлади.”⁵ Шу ўринда рус олимаси М.Д.Рыбаковнинг қуйидаги фикрларига ҳам эътибор қаратиш лозим: ”Биз профессионал-педагогик мулоқот масласига эътибор қаратсак, унда профессионал-педагогика ва лингвопедагогик культуралогияни бирлаштирувчи ва фарқловчи тилнинг мулоқат шакллари “мулоқат маданияти”, “нутқ маданияти”, “тил маданияти” тушунчаларини аралаштириб юбормаслигимиз керак”⁶.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тилшуносликда кўпинча "тил маданияти" ва "нутқ маданияти" тушунчалари фарқланади, аммо баъзан ҳар иккиси ўрнида биргина ё “тил маданияти”, ё "нутқ маданияти" термини қўлланади. Ҳамонки, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш зарур экан, улар чиндан ҳам алоҳида-алоҳида ҳодисалар экан, албатта, тил маданияти ва нутқ маданиятини ҳам фарқдаш мақсадга мувофиқ. Тил ва нутқ, тушунчаларининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, тил маданияти тилининг "маданийлашганлик", адабийлашганлик, нормалашганлик даражасини, луғат таркиби, грамматик, семантик, стилистик жиҳатлардан ривожланганлик, бойлик даражасини, потенциал ифода имкониятларининг қўламдорлигини ифода этади.⁷

Нутқ маданияти эса тилдан бемалол, мақсадга ўта мувофиқ, ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир. Бошқача айтганда, нутқ маданияти тилда потенциал мавжуд бўлган хилма-хил ифода шаклларида фикр учун энг уйғунларини танлай билиш ва шу асосда расо нутқ туза олиш маҳоратидир.⁸

⁵ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. 38-бет.

⁶ Рыбаков М.Д. Лингвopsихологические единицы деятельности невербального общения как средство как оценки качества педагогического процесса // Система обеспечения качества образования: становление функционирование перспективы. – М., 2003. С. 88-89.

⁷ Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, N 5, 50-58-бетлар.

⁸ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. 21-бет.

Мулоқот маданияти айтиб ўтилган икки тушунчадан кенг камровлиги билан ҳам характерланади. Ҳар учала мулоқот турларида ҳам субъект ва объектнинг иштироки, яъни улар ўртасидаги коммуникатив, интерактив, перцептив мулоқотлар шаклланади.

Бизнингча, мулоқот маданиятини лингвопедагогик ёнашув асосида ўргансак, қуйидаги характерли томонларига тўхталишимизга тўғри келади. Биринчидан, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро индивидуал хусусиятларига ўта эътиборли бўлиш, суҳбатдошининг шахсий хусусиятлари ва руҳиятига таъсир этувчи омиллардан эҳтиётли муносабатда бўлиш ва мулоқот жараёнини тўғри ташкил этиш.

Иккинчидан, ўзаро муносабатларда рўй берадиган камчиликларга йўл қўймаслик, унга эҳтиёткорлик билан ёндашиш. Учинчидан, ўзининг мулоқот маданияти услубларига мос келувчи миллий анъана ва маънавиятга хос бўлган жиҳатларидан унумли фойдаланиш.

Албатта, таълим ва тарбия инсон маънавият билан боғлиқ. Ана шу жиҳатдан тилшунослик ва педагогика инсон маънавияти, маданиятини ўзида умумлаштирувчи янги йўналиш, лингвопедагогик культурологияни юзага келтирди. Манбаларда бу термин баъзи ўринларда лингвопедагогик культура⁹, баъзи ўринларда лингвокультурологик педагогика¹⁰ ва лингвопедагогик культурология¹¹ деб юритилди. Таҳлиллардан маълум бўладики, кўрсатилган терминлар турли номлар билан қўлланган бўлса-да, бироқ очиб берилаётган муаммонинг ҳал этилишига қаратилган маъно моҳияти бир эканлигини кўрсатади.

Лингвопедагогик маданият (культурология) ҳам бошқа маданият ҳақидаги тушунчалар сингари кенг тушунча ҳисобланади. Унга ҳам бошқа маданият ҳақидаги тушунчалар сингари таърифни тўлиқ келтириб бўлмайди. Гап шундаки, лингвопедагогик маданият фан сифатида бир неча илмий йўналишларни камраб олади. Шунинг учун ҳам унга тўлиқ таъриф беришда мураккабликларни юзага келтиради. Лингвопедагогик маданият мулоқот маданиятнинг барча хусусиятларини ўзида ифода этувчи маданият деб

9. Рыбаков М.Д. Лингвопедагогическая культура и духовное развитие будущего специалиста-преподавателя. <https://cyberleninka.ru>article>lingvopedagoicheska...> Қаранг: Яковлева А.Н. Лингвопедагогика как проблема междисциплинарного исследования. <https://www.edscience/rusjour>article>view>

10. Мирошникова О.Х. Лингвокультурная педагогика как компонент инновационной образовательной политики современного университета. <https://cyberleninka.ru>article>lingvokulturnay-ped...>

11. Садыкова Р.Х. Лингвокультурологический аспект в курсе преподавания русского языка как иностранного. <https://cyberleninka.ru>article>lingvokulturogiches...>

тушунилади. Бу ёндашувда тил ўзининг турли кўринишларини ифодалайди. Лингвопедагогик маданият таълим ва тарбиянинг барча соҳаларида умумийлиги ва хусусийлигида намоён бўлади. Лингвопедагогик маданиятни амалий жиҳатдан тил (восита) ва нутқ (услугият), вербал ва невербал мулоқот шакллари образли қилиб айтганда тил ва нутқ санъати дейиш мумкин.

Замонавий тилшунослик ва педагогиканинг ўзаро боғлиқлигини лингвокультурологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Айтиш мумкинки, ҳар қандай педагогик термин замирида миллий менталитет, тафаккур, таълим ва тарбия, маънавийт мужассам топади. Албатта педагогик сўз-терминларни матнсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар қандай сўз-термин матн таркибида турли маъно хусусиятини воқелантира олади. Маълум бўладики, матн таркибидаги педагогик термин лингвопедагогик культурологик таҳлилларда ўша тил соҳибининг маънавий тафаккурини намоён этади. Бу ўринда, тилшунос Д.Худайберганова шундай ёзади: ”Лингвокультурологиянинг бевосита матн билан боғлиқ жиҳатига келсак, шуни айтиш мумкинки, матн ҳам бошқа тил бирликлари қаторида бу соҳанинг тадқиқ объектлардан бири ҳисобланади.”¹²

Лингвокультуролияда матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса мавжуд бўлиб, бу – прецедент матн масаласидир. Рус тилшуноси О.Ё.Артемованинг сўзлари билан айтганда, прецедент жанрлар – маданий ахборотнинг “аккумулятори” дир.¹³

Матн замонавий тилшуносликда белгилар кетма-кетлиги шаклидаги расман бир-бирини тўлдирувчи мазмуний бутунликни ифодаловчи формал-семантик структурани ташкил этади. В.П.Руднев тамонидан ёзилган луғатда “матн” тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: ”Матн – бу баёнлар кетма-кетлигидан иборат бўлиб умумий мавзуга бирлаштирувчи боғланиш хусусиятларига эга бўлган маълумотлар муштараклигидир.”¹⁴

Демак, педагогик терминлар инсоннинг оғзаки ва ёзма нутқи, яъни сўз бойлигида матннинг узвий қисми сифатида, матн маъносига таъсир кўрсатади. Тил – бу шахс ва жамият учун ноёб тириклик неъматидир. Инсон жамиятда тил сабаб ўз идрок этган фикр ва ғояларини бошқаларга етказа олади. Ўз маънавияти ва маданиятининг тасвирини гавдалантиради. Агар, тил ва

¹² Худайберганова Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. – Т., Фан, 2013. 34-бет.

¹³ Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра” лимерик”: На материале английского языка: Дисс...канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – С.-2004.

¹⁴ Руднев В.П. Энциклопедический словарь культуры XX века: Ключевые понятие и тексты // В.П.Руднев. – М.: АГРАФ, 2001-608 с.

жамиятнинг ўзаро уйғунлиги бўлмаса, борлиқ ва инсоният ҳалокатга юз тутати. Ўз ўрнида шуни таъкидлаш жоиз, ҳар қандай тил ҳар қандай алоҳида халқнинг тили сифатида намоён бўлади. Бу тил миллатни гавдалантиради. Ҳар қандай миллий тил миллий тафаккур, миллий рух, миллий кадрият, психология ва энг асосийси маънавият, эътиқотини ифода этади.¹⁵

Тил ўзининг ноёб фазилатга эгаллиги билан инсон билан жамиятнинг боғловчи, кўп вазифа бажарувчилиги билан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Унинг муҳим вазифалари каммуникативлик, тафаккур, когнитивлик, инсон билимини ифодалаш (кумулятив, ёки яна маънавият хазинаси)дир. Демак, шахснинг она тилида тафаккури ривожланади, оламни танийди. Албатта, тил оламни англаш жараёнида миллий маданияти, манавияти, миллий руҳини ифода этувчиси ҳисобланади. Ўз навбатида лингвопедагогик маданият ҳам тил орқали воқеланади. Демак, ҳар қандай миллий менталитетга хос бўлган лингвопедагогик маданият ўша тил соҳиби томонидан амалга оширилади.

Шоҳ ва шоир, тилшунос Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мураққаб фаолияти давомида моҳир педагог сифатида фарзандларининг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. У Ҳумоюннинг ёзган мактубини таҳрир қилар экан, унга моҳир устоз сингари муомала маданияти билан фикр айтади. Унинг фикрларида устознинг шогирдга бўлган муҳаббати билан оталик муҳаббати уйғунлашиб кетади. У шундай ёзади: "Хатингни худ ташвиш билан ўқуса бўладур, вале асру муғлакдур (жуда чалқашдир). Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хили рост эмас. Илтифотни то била битибсен, қулунжни ё била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин (чилқаш сўзлар) мақсад тамом маҳум бўлмайду(тушунмайди). Ҳолибо хат битарда коҳиллигинг (бўшлигинг) ҳам ушбу жихаттиндир. Такаллуф (хашамат, безак) қилай дейсан, ул жихатдин муғлақ бўладур, мундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз(тил) била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғувчиға"(БН-65).

Ушбу келтирилган матнда З.М.Бобур улкан тил билимдони, моҳир педагог, юксак маънавиятли салоҳият эгаси сифатида гавдаланади. Чунки Ҳумоюннинг мактубини тил қоидалари асосида тўғри таҳлил этиши, ота ва мурабий-педагог бўлиб фарзанди ёзувига оид атамаларнинг қўллаш услубларидаги имловий хато ва ютуқларини одоб меъёри доирасида ўта

¹⁵ Современная этнопедагогика: проблемы и перспективы развития. <http://window.edu/resource/fills/sovreme>

маъданиятли тарзда ифодалаб беришини миллий лингвопедагогик культурологиянинг намунаси деб аташ мумкин. У ўғлининг ҳар бир ёзган ҳарфи ва имлоси, шунингдек, битилган сўзнинг маъноларига ҳам эътибор қаратиши тилшунос-педагог сифатида катта тажрибага эга шахслигини ангатади. Шунингдек, у маънавиятли шахс-педагог сифатида хатни ўқувчиларга оғирлик қилмайдиган содда тилда равон ёзишни уқтиради.

Нутқ сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг муайян кўриниши ифодаси бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ инсоннинг одоб-ахлоқи, маънавиятини акс эттирувчи ойна ҳисобланади.

Кўринадики, матнда ифодаланган жумлалардаги тилшунослик атамалари ўз набатида педагогик атамалар билан ўзаро умумийликни ифодалаб лингвопедагогик культурологиянинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Тил тафаккур ифодачиси бўлиш билан бирга маънавий унсурлар орқали миллий характерни очиб берувчи ва ижтимоий муносабатларни рўёбга чиқарувчисидир. Гап шундаки, ҳар қандай миллий характер ўзига хос бўлган маънавиятдан ташкил топади ва фалсафий, психологик хусусиятларни ўзида умумлаштирган ҳолда лингвокультурологик жараёнларда воқеланади. Демак, миллий характер миллий маданият, маънавият ўзаро муштарак ҳолда лингвопедагогик культурологияда акс этади. Тил – ана шундай мураккаб, халқнинг дунёни кўриш, идрок қилиш тарзи, руҳи, маданиятини ифода этадиган ҳодиса. Уни фақат алоқа воситаси сифатида тушуниш жўн тасаввурдир.¹⁶

Тилшунос С.Г.Тер-Минасованинг фикрига кўра, тил миллий характернинг турли сирли қирраларини очиб бериш хусусиятига эгаллиги билан муҳим аҳамиятга эга. У нафақат миллий характернинг пайдо бўлиши ва мавжудлигини тасдиқловчи, шунингдек, унинг энг кичик кўзга ташланмайдиган жиҳатларини очиб берувчилик хусусиятини ўзида мужассам этади. Шунингдек, параллел равишда турли тиллардаги миллий характернинг фарқовчи қонуният асосларини очиб беради ёки гувоҳлик беради.¹⁷

¹⁶Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Т. Mumtoz soʻz. 2017. 37-бет.

¹⁷Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. Учеб. пособие // С.Г.Тер-Минасова, М.: Слово. 2000. – С.159.

И.А.Стернин, М.А.Стернина миллий характерга тўхталиб шундай ёздилар: ”Миллий характер халқнинг одоб ва ахлоқини ифодаловчи психологик стереотип сифатида гавдаланади”¹⁸.

Маълум бўладики, миллий характер бутун бир халқнинг ёки кўп миллатли халқнинг ҳаётининг фаолияти, турмуш тарзи, ҳаётининг таллуқли бўлган умумий жиҳатларини акс эттиради. Шу билан бир қаторда макон ва замонда территория жиҳатидан табиий-географик жойлашуви факторлари ҳам уларнинг маданиятидаги фарқланувчи ўлчов ҳисобланади.¹⁹ Масалан, тарихан ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик ва қорақолпоқ халқларининг яшаш тарзи ва маданияти, жуғрофик жойлашувида ўхшаш ва фарқловчи жиҳатлари мавжуд. Демак, бу халқларнинг педагогикаси, маданиятида ҳам ўзига хос бўлган миллий характер гавдаланади.

А.Қодирий “Меҳробдан чаён” романида миллий лингвопедагогик маданият ва характерни Султонали тилидан куйидагича очиб беради:

-Бўстони маърифат ва гулшани ҳақиқат, – деди Султонали, – Имоми Аъзам раҳматуллоҳи аллайҳи ўн икки ёшларида дарсгўйлик қилиб ва ҳоказо кутуби мутабаррака таълифотиға ҳам ибтидо қилган эканларким, бу каромат жанобларидан пўшида эмасдир. Бас, индалъуқало ёшлиқнинг ҳеч бир нуқс ва аҳамияти йўқ, аммо фазлу заковат лозимдир. Масалан, каминангиз таҳсилда “Ақоид” гача бордим ва қарийиб ўн йилдан бери мирзолик қилурман. Ўз ҳунаримда яхши тажриба ҳам ортдирдим, шунинг билан бирга нафсиламрни иқроп этишка мажбурманким шогирдингиз мирзо Анвардан кўб даражада куйидаман: тахрирда, тақрир, ва фоизда Анварингизнинг ёрдамиға муҳтожман. Ҳолбуки ёшим ундан баробар катта, мен ўқуған дарсларни эҳтимол Анвар ўқумаған... Анварнинг заковатиға ёлғиз мен эмас ҳатто марҳум мунший мулла Муҳаммад Ражабнинг ўзи таҳсин қилар,ажойиб ўғлон деб кўяр эди. Меним мирзо Анварни бу ўрунға саъи қилишим бўлса бир ғараз юзасидан эмас, холисонадир.

Агар ғаразға ҳисобланса, масалан: ”Бирарта ноаҳлнинг қўли остида ишлагандан, аҳлнинг жағидан тишлаган маъқул“ сўзига биноандир. Лекин мирзо Анвар нима учундир биз бир неча мирзоларнинг раъйимизга қарши

¹⁸Стернин И.А.,Стернина М.А .Очерк американского коммуникативного поведения // Науч.ред.: И.А.Стернин, М.А.Стернина. Воронеж: Истоки, 2001.

¹⁹Белик А.А. Психологическая антропология (культура-и-личность): История – теоретический очерк // личность, культура, этность: Совр. психол. Антропология // Под общ.ред. А.А.Белика. М.: Смысл, 2001.С. 174-203.

тушиб, биздан ранжиб юруйдур. Ҳатто жанобга бир ариза киргизиб, меним номзадимни янглиш кўрсатилибдир, мен бу вазифани уҳда қилолмайман, деб узр баён қилмоқчи эмиш. Унинг бу йўсун иноди нима учун, билмадик ... фақир, оғайнилар тарафидан гарчи адабсизлик бўлса ҳам ҳузурларига илтимос учун келдим. Аввало, мирзо Анварга оталиқлари, сониян устозлиқлари бор. Сиз жаноб тарғиб қилсангиз ва кенгаш берсангиз қабул қилар, деб ўйладик.

Ушбу келтирилган матн лингвопедагогик культурологик ёндашув асосида таҳлил этилса, А.Қодирийнинг ўзбек миллий педагогик маданиятини чуқур англаган билимдони эканлиги намоён бўлади. Чунки унда келтирилган қатор сўз-терминлар ўзининг қисқа ва маънодорлиги билан матннинг семантик хусусиятига таъсир этади. Матнда маърифат ва гулшани ҳақиқат, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи аллайҳи, ибтидо қилган, индалъуқало, ”Ақоид “ гача, таҳрирда, тақрир, саъи қилишим сингари сўз ва сўз бирикмалари орқали ўзбек миллий педагогик терминларининг тарихан ҳам семантик майдони кенг эканлигини эътироф этишимиз мумкин.

Келтирилган матндан маълум бўладики, Султонали тилидан Абдулла Қодирий ўзбек зиёлисининг маънавияти юксак, тарбияли ва ўзидан илми ва билими, маданияти юқори бўлган инсонларга ҳурмати билан қараш руҳиятини юксак бадиий нафислик билан тасвирлаб берган. Бундан келиб чиққан, хулоса шундаки, миллий менталитетга хос бўлган мардлик шахс тарбияси билан боғланади. Миллий тарбия эса миллий педагогиканинг ажралмас қисмидир.

Султонали томонидан айтилган сўзлар инсоф ва диёнат, маънавиятли бир ўзбекнинг характерини очиқ беради. Демак, миллий педагогикамизда маънавий тарбиявий муҳит ўзбек психологиясида азалдан мавжуд ва кадрли ҳисобланган. Англашиладики, Султоналининг сўзларида ўзбекнинг мулоқот маданиятидаги ўзига хос бир кўриниши тасвирланган.

Ўтқир Ҳошимиов “Дафтар хошиясидаги битиклар” номли ҳикоялар тўпламида шундай ёзади: ”Ўтган кунлар” романининг бошида шундай тасвир бор. Марғилонда, Отабек қўнган карвонсарой хужрасига Раҳмат билан Ҳомид кириб келади. Бир оздан кейин хонага Ҳасанали ҳам киради. Отабек унга “ота” деб мурожат қилади, хол-аҳвол сўрайди. Шундан сўнг “баъзи юмушлар буюрсам майлими ... бизга чой қайнатиб берсангиз” деб илтимос қилади. Ҳасанали чиққач, Раҳмат Отабекдан бу киши кимлигини сўрайди.

Адибнинг кейинги тасвирига эътибор беринг. ”Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини хужрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди: – Қулимиз...”

Қизиқ, Отабек нима учун ўзининг қулига салом беради? “Ота “деб мурожаат қилади? Юмуш буюришдан олдин” майлими” деб рухсат ҳам сўрайди? Бу ҳам етмагандек, Раҳматнинг саволига “чолни узоқлатиб“, шундан кейин жавоб беради? Бошқа адабиётда, дейлик, европа адибининг асарида шундай вазият тасвирланса, хўжайин қулига “ота“ деб мурожаат қилиш у ёқда турсин, ”сен“ лаб гапирган ,бояги саволга эса унинг ўзи олдида “буми, бу менинг қулим” деб жавоб берган бўлур эди. Отабек эса ундай қилол майди.Негаки, у -ўзбек.(231-232-б).

Келтирилган матнда лингвопсихологик ва лингвопедагогик ҳодисаларни юзага чиқарувчи нутқий мулоқот жараёни ва уни ўзида бирлаштирувчи лингвопедагогик культурологиянинг мужассами мавжуд. Чунки Отабек суҳбатдошларига нисбатан бўлган муносабатида унинг тили ва руҳиятига эътиборли бўлган ва яхши идрок этган, инсон тарбиясида тилнинг ўрни жуда муҳим эканлигини англаган шахс тасавури намоён бўлади. Бу ўринда айтиш мумкинки, Отабек суҳбатдошлари олдида Ҳасаналига салом бериши, “ота” деб мурожаат қилиши, хол-аҳвол сўраши, “баъзи юмушлар буюрсам майлими... бизга чой қайнатиб берсангиз“ деб илтимос қилиши ва ниҳоят қулига сизлаб мурожаати ўзбек нутқий этикетининг бир кўринишини аглаатади. Англашиладики, нутқий этикет лингвопедагогик маданият билан узвий боғлиқ ҳодиса саналади. Чунки таълим ва тарбия, одоб-ахлоқ масаласи нутқий этикетда ҳам ўз ифодасини топади. Этикет-ахлоқий маданиятда яққол кўзга ташланадиган муносабат кўринишларидан бири. Этикет, асосан, инсоннинг ташқи маданияти, ўзгалар билан бўлган муносабатларда ўзини тутиш, нутқий этикет эса инсонлар орасидаги мулоқот жараёнида ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини таъминлайди.²⁰

“Ўтган кунлар“ кунлар романида ота-она ва ўғил ўртасида қуйидаги эпизод-диалогда милий таълим ва тарбия, маданиятнинг юқори эканлиги очиқ берилади. “Ота-она дуоси – Ўтга,сувга ботирмас! мақолига амал қилган ҳолда Отабек ота-она сўровларига жавоб беради.

Анчагина сўзсиз ўлтирғондан сўнг хожи мулойимона сўз очди.

²⁰ Қўлдошев Н.А.Эколингвистика: Ўзбек тилида тил ва нутқ софлигининг лингвокультурологик тадқиқи. Фил.фан.фаласафа.док.(PhD).дисс.автореферат. Фағона.2021.19-бет.

-Ўғлим ҳали сан эшитдингми, йўқми хайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб кўйдик...

Отабек маълумки, уларнинг “қилиб кўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини” албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солди:

-Ақлли кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, – деди.

Келтирилган матнда шахс-индивиднинг муомаласи, ота-онанинг ҳурмати, кадри биргина жумла орқали намоён бўлади. Айтиш мумкинки, келтирилган “Ақлли кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас” жумласи прагматик маънони ифодалаб иккки маънони очиб беради. Биринчи маъно оқил ва меҳрибон, маданият ва тарбияси улуғ инсонлар. Иккинчи маъноси фарзандини дилдан яхши кўрадиган. Демак, ёзувчи Отабекдаги ҳар икки ҳолатни ҳис этган ҳолда миллий лингвопедагогик маданиятни акс эттирган. Бундай муносабат лингвопедагогик культурологиядаги перцептив муносабатни ифодалайди.

Демак, нутқий маҳоратни эгаллашга интилиш нутқ одоби, аниқроғи, тил ва нутқ воситаларини пухта билишни тақозо этади. Кўринадикки, Абдулла Қодирий бу соҳада ўта тажрибали психолингвист ва лингвопедагог сифатида ота бола муносабатига ёндашади. Шунинг учун ҳам у ўзбек миллий лингвопедагогик культурология меъёрларини персонажлари тилидан моҳирона кўрсата олган.

Ҳар қандай сўзнинг хосияти нутқнинг моҳияти билан алоқадоргина эмас, балки мантиқий тафаккур мезони ҳамдир. Нутқ, нотик, мантиқ, нотиклик атамаларининг бир-ўзакдан ясалгани ҳам бу тил бирликларининг ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлишини англатади. Бири бирига рўёбга чиқмаслигини, бири иккинчисини тақозо этишини билдиради.²¹

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, таълим ва тарбия, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, ғоя ва мафкура омиллари таъсирида яшаб ижтимоийлашади ва камолотга етади. Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот педагогик-психологик, лингвистик, мантиқшунослик фанларининг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатларнинг энг муҳимларини қамраб олади. Демак,

²¹ <http://notig.uz>arcnives>

бадий матнда ёзувчи персонажлар тилидан инсоннинг миллий тафаккури, маънавияти, одоб ва ахлоқи, таълим ва тарбияси, урф -одатларига бўлган чексиз хурматини ифода этади. Англашиладики, лингвопедагогик культурологиянинг марказида ҳам инсон ва унинг маънавияти, маданияти, таълим ва тарбияси, миллий урф-одати, кадрияти, миллий тафаккурини тадқиқи туради.

REFERENCES

1. Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ, № 20. Серия истории, языка и литературы, Вып.4.-Л.,1962. – С. 145.
2. Винокур Г.О.О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии. // Труды МИФЛИ. Т. 5. Сборник статей по языковедению. – Москва, 1939. – С. 3.
3. Қўлдошев Н.А.Эколингвистика: Ўзбек тилида тил ва нутқ софлигининг лингвокультурологик тадқиқи фил.фан.фаласафа.док.(PhD).дисс.автореферат. Фағона.2021.
4. Тер-Минасова С.Г.Язык и межкультурная коммуникация. Учеб.пособие // С.Г.Тер-Минасова, М.: Слово. 2000. – С.159.
5. Стеринин И.А.,Стернина М.А .Очерк американского коммуникативного поведения // Науч.ред.: И.А.Стеринин, М.А.Стернина. Воронеж: Истоки, 2001.
6. Белик А.А. Психологическая антропология (культура-и-личность): История – теоретический очерк // личность, культура, этность: Совр. психол. Антропология // Под общ.ред. А.А.Белика. М.: Смысл, 2001.С. 174-203.

CONTENTS

Volume 2, Issue 10, OCTOBER, 2021

-
93. Исмаилова, Ш. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 595-600. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-595-600>
-
94. Isroiljon kizi, G., & Ulikova, M. (2021). DESCRIPTION OF THE CONCEPT OF LOVE AND FAMILY RELATIONSHIP. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 601-606. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-601-606>
-
95. Махкамов, Н. Т. (2021). НАТИЖАВИЙ БОШҚАРУВ ДАВЛАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 607-614. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-607-614>
-
96. Хусанхўжаев, О. М. (2021). БАДИЙ МАТНГА ЛИГВОПЕДАГОГИК КУЛЬТУРОЛОГИЯ АСОСИДА ЁНДАШУВ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 615-627. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-615-627>
-
97. Сулайманова, Д. К. (2021). ОТНОШЕНИЯ РЕБЕНКА СО ЗНАЧИМЫМИ ВЗРОСЛЫМИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 628-637. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-628-637>
-
98. Позиллов, М. Н., Каримова, Ф. С., & Муллажонов, З. С. (2021). СТРУКТУРНО-ГИДРОГЕОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФОРМИРОВАНИЯ ПОДЗЕМНЫХ ВОД СЕВЕРНО-УРАТИНСКОГО И САНЗАРСКОГО МЕСТОРОЖДЕНИЙ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 638-644. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-638-644>
-
99. Сапаев, Ф. Б. (2021). МУНИС ХОРАЗМИЙ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА НАФС МАВЗУСИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 645-653. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-645-653>
-
100. Джураева, Г. (2021). ПРОБЛЕМА ВОСПИТАНИЯ В СОВРЕМЕННОЙ ПЕДАГОГИКЕ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 654-659. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-654-659>
-
101. Эштемиров, Ж. (2021). ИЗ ИСТОРИИ УСТАНОВЛЕНИЯ ТОТАЛИТАРНОЙ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ГОРОДЕ КАРШИ (ПЕРВАЯ ПОЛОВИНА XX ВЕКА). *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 660-669. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-660-669>
-
102. Абдухалилов, О. А., & Абдувсиев, А. Д. (2021). УЛУФНОР НАСОС СТАНЦИЯСИНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА ТАДБИРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИШ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 670-675. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-670-675>
-
103. Abduvasiyev, A. D., & Abduxalilov, O. A. (2021). ТОМЧИЛАТИВ СУГ'ОРИШДА НАСОС ИШ РЕЖИМИНИ Г'О'ЗАНИ СУГ'ОРИШ РЕЖИМИГА МОСЛАШ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 676-680. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-676-680>
-
104. Mutalibov, I., Maxkamov, D., Qo'ysinaliyev, N., & Xabibullayev, I. (2021). AVTOMOBIL YO'LLARIDA SEMENTBETON QOPLAMALARNI MUSTANKAMLIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISH. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 681-686. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-681-686>
-
105. Dadaxodjayev, A., Mamajonov, M. M., Ergashev, M. M., & Mamajonov, M. A. (2021). GAT DASTURIY TA'MINOTIDAN FOYDALANIB AVTOMOBIL YO'LLARI MA'LUMOTLAR BAZASINI YARATISH. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 687-693. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-687-693>
-
106. Мирзаева, Ф. С. (2021). НАУЧНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ИННОВАЦИИ ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(10), 694-698. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-694-698>
-